

Мьянма армияси Роҳинжага қарши ҳарбий ҳаракатларини вақтинча тўхтатди



11:08 / 24.12.2018 3055

Мьянма армияси мамлакат шимоли ва шарқидаги Аракан мусулмонларига қарши ҳарбий операцияларни тўрт ойга тўхтатгани бўйича баёнот берди, деб хабар беради Reuters ахборот агентлиги. Хабарда айтилишча, ушбу баёнот томонлар ўртасида тинчлик музокараларини бошлашга қаратилган. Кузатувчилар Роҳинжа мусулмонларига қарши ҳарбий ҳаракатларни 2019 йилнинг 30 аперлигача тўхтатиб турилишини тўғри қарор деб баҳолаб, ушбу баёнотдан яхши натижалар бўлишга умид қилмоқдалар, деб ёзади IQNA. Эслатиб ўтамиз, Мьянма армияси сал кам ўн йилдан буён озчил Аракан мусулмонларини мамалакатдан чиқариб юборишга ҳаркат қилиб келади. Бу ўринишлар сўнгги йилларда фаоллашгани жаҳон ҳамжамиятининг кескин норозилигига сабаб бўлди. Жумладан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича 36-сессиясида Олий комиссар Зайд Раад ал-

Хусайн Мьянма ҳукуматнинг Роҳинжа мусулмонларига қарши ҳарбий операцияларини этник тозалаш деб баҳолаб, зудлик билан бу ҳаракатларни тўхтатишга чақирган эди.

***Islom.uz* портали таҳририяти**